ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
(Самарқанд, 2018 йил 10-12 декабрь)
II - ҚИСМ

International scientific-practical conference on the theme
«PROBLEMS AND PROSPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT FOR SOCIALLY VULNERABLE LAYERS OF THE POPULATION»
(Samarkand, 2018 year 10-12 december)
PART - II



ҲИСОБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ..... 326
З.И.Абдуллаева МЕТОДОЛОГИЯ БИЗНЕС ПЛАНИРОВАНИЯ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ЗАНИМАЮЩИХСЯ ГОСТИНИЧНЫМ БИЗНЕСОМ..... 329
А.Асадова, М.Т.Алимова МИЛЛИЙ БРОНЛАШТИРИШ ВА РЕЗЕРВЛАШТИРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 331
М.Т.Алимова, Б.Б.Собиров ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ И ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ОСОБЕННОСТИ СВОБОДНЫХ ТУРИСТСКИХ ЗОН..... 334
М.Т.Алимова, Б.Б.Собиров ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ СОЗДАНИЯ СВОБОДНОЙ ТУРИСТСКОЙ ЗОНЫ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ РЕГИОНА..... 338
Z.I.Usmanova THE GROWING ROLE OF TOURIST-RECREATIONAL SERVICES AND TENDENCIES OF THEIR DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN..... 341
S.Inoyatova, O.Khamidov ICT IN UZBE-KISTAN TOURISM: ANALYSIS OF ONLINE CUSTOMER REVIEWS..... 343
N.Sirodjeva, M.T.Alimova SAMARQAND VILOYATIDA MEHMONXONA XO'JALI-GINING RIVOJLANISH HOLATI..... 349
С.А.Ташназаров УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ..... 352
Маттиев И. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ТУРИЗМИ УЧУН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ..... 355
Y. Sulistyadi, F. Eddyono, D. Entas IMPLEMENTATION MODEL OF SUSTAINABLE TOURISM IN "TAMAN WISATA ALAM PANTAI CARITA" PANDEGLANG BANTEN..... 357
N.Imomov TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA KADRLAR TAYYORLASH MUAMMOLARI..... 379
С.Ў.Ҳусенов "ТАЪЛИМ" ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ..... 381
Арзыбаев А.А О НАЦИОНАЛЬНЫХ МОДЕЛЕЙ РЕГУЛИРОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА..... 387
Закирова Ж. Т. ОБ ОРГАНИЗАЦИИ НАЛОГОВОГО УЧЕТА В КЫРГЫЗСКОЙ РЕС-ПУБЛИКЕ..... 392
Кадырбекова Ч.К , Жороева А.М , Ажиматова Н О РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В АГРАРНОМ СЕКТОРЕ ЭКОНОМИКИ КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ..... 395
Омурзаков С.А., Кубанычбеков Э. МЕТОДИКА АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ УСТОЙ-ЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ..... 397
Кантороева А.К. СОСТОЯНИЕ И РАЗВИТИЕ МИРОВОГО РЫНКА ОРЕХОПЛОДОВЫХ КУЛЬТУР..... 400
Хамрабаев А. А. АГРАРНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ КЫРГЫЗСКОЙ РЕСПУБЛИКИ И ЕГО СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ..... 404

fikrlaydigan intelektual rivojlangan va professional tayyorgarlikka ega bo'lgan yoshlarni sifatli jadal va innovatsion taraqqiyotning eng muhim sharti va garovi bo'la olish,aynan ular mamlakatning buyuk kelajagini ta'minlash mumkinligini bunga kimnidir ishontirish yoki buni isbotlab berishning xojati yo'q ekanligini anjuman ishtirokchilariga ishonchli ravishda ta'kidlagandilar.

Uzluksiz ta'lim mamlakat taraqqiyotini ta'minlovchi shaxs, jamiyat va davlatning ijtimoiy iqtisodiy madaniy ma'rifiy ehtiyojlariga xizmat qiluvchi tizm ekan. Bu esa kadrlar muammosini yechishga imkon qadar yordam beradi.

Uzluksiz ta`lim ijodkor ijtimoiy faol ma'naviy boy shaxs shakllanishi malakali raqobatbardosh kadrlar ildam tayyorlanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Yurtimizda yashovchi aholining deyarli 60% ini yoshlar tashkil qiladi.Bu esa O'zbekistonning kelajagi yoshlar qo'lida deganidir.Ularni malakali kadrlar qilib tayyorlash zamon talabiga aylanmoqda.Kelajakda bu yoshlar iqtisodiyotimizning har bir sohasi rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida ulkan taraqqiyot davrida malakali kadrlarga bo'lgan talab kun sayin oshib boraveradi. Bu esa kadrlar tayyorlashda takomillashgan yangi yangi usullar tizmlarni o'rganish va ularni hayotga tadbiq qilishni taqozo qiladi.

Bir so'z bilan aytganda, biz yoshlar bugunning mas'uliyatli avlodlari ekanmiz, o'qib-izlanish hamda yetuk darajadagi kadrlar bo'lib yetishish uchun tinmay o'zib-izlanish bizning oldimizda turgan mas'u;liyatrli vazifalardan biri hisoblanib qolajak.

"ТАЪЛИМ" ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

С.Ў.Ҳусенов- СамИСИ докторанти

Annotation: *Attempts to expand the definition of "education" by scientists and practitioners in the field of education continue till today. Different scientific researches in the field of education expand the dimensions of the concept and its content. In this article, comments on the interpretation of the concept of "education" have been studied and theoretical analysis has been developed and given the definition of the author to this concept.*

Key words: *Key Words: education, culture, enlightenment, process, outcome, knowledge, skills, abilities,*

Аннотация: *Попытки расширить определение «образования» учеными и практиками в области образования продолжаются до сегодняшнего дня. Различные научные исследования в области образования расширяют измерения понятия и его содержания. В этой статье изучены комментарии к интерпретации понятия «образование», разработан теоретический анализ и дано определение автора этой концепции.*

Ключевые слова: *Ключевые слова: образование, культура, просвещение, процесс, результат, знания, навыки, способности.*

"Таълим" тушунчаси –бу инсон тўгрисидаги деярли барча фанларда турлича тарзда ифодаларга эга бўлган фундаментал тушунча бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, бу тушунча ўз моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга бўлиб, хар бир давлат ўз она тилидан келиб чиқиб турлича сўзлар билан ифодалайдилар. Масалан, Ғарбий Европада таълим билан боглиқ атамалар классик лотин тилидан кириб келган. Жумладан, лотинчада *educatio*[217] сўзи тарбиялаш, ўстириш маъноларини англатиб, ундан формал ўқитиш, кўрсатма беришнинг систематик курсидан ўтиш йўллари билан инсоннинг ақли ва характерини ривожлантириш

[217] Universal (La-Ru) (к версии ABBYY Lingvo x5) Латинско-русский словарь. © «Русский язык-Медиа», 2005, Дворецкий И.Х. 200 тыс. слов и словосочетаний.

жараёнини англатувчи ва хозирги кунда кенг фойдаланилаётган инглизча *education*[218] атамаси келиб чиққан.

Германияда таълим билан боглиқ атамаларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда таълим сўзи лотин тилидан олинмаган, балки ўзларининг она тилидан олинган таълим маъносини ифойдалайдиган *Erziehung ва Ausbildung* сўзла-ридан фойдаланишади. Ушбу сўзлар (отлар) *ziehen* ва *bilden* феълларидан келиб чиққан. Улардан биринчиси "ўз орқасидан тортиш" маъносига эга. *dieZiehung* оти тортувчи, тортиб бориш сифатида таржима қилинади. Er қўшимчаси қандайдир ҳаракатнинг натижасига эришилганликни, қандайдир хусусият олинганлигини кўрсатади. Шунга мос равишда *die Erziehung* оти тарбиялашни, ўстиришни англатади. *Bilden* феълининг маъноси эса анча кенгроқ бўлиб рус тилида яратмоқ, тузмоқ, шакллантирмоқ, шаклни қабўл қилмоқ, таъсис этмоқ, ташкил этиш, тарбиялаш, маърифатли қилиш, ривожланишга ёрдам бериш, ривожлантирмоқ феллари кўринишида таржима қилиниши мумкин. *Aus* қўшимчаси ҳаракатнинг ичкаридан ташқарига йўналтирилганлигини кўрсатади. Шу тарзда, немис тилида, мажбурлаш, зуравонлик томонлари унитилмаган холда, таълим жараёнинг бунёдкорлик, ташкил этувчилик моҳияти алоҳида таъкидланади.

Францияда *education* сўзи, асосан олий таълимни англатиб, ўрта ва қуйи таълимлар учун *enseignement* атамаси мавжуд бўлиб, лотинча *signe* – белги (signum-сўзидан олинган бўлиб русча ва бошқа европа тилларидаги "сигнал" сўзидан келиб чиққан) деган маънони беради. Қолаверса Францияда махсус ва аниқ таълим у ёки бу одамни касбга тайёрлаш *formation*[219] сўзи билан ифодаланиши ҳам қизиқарлидир.

Инсон қиёфасига (образига) эга бўлиш сифатида тушунилувчи, инсон-нинг вужудга келиш жараёнида нисбатан қўлланилганда эса "таълим" генитик жиҳатдан машҳур қадимги юнон *пайдейесига* (м.а V–IV а) бориб тақалади. Немис тадқиқотчиси В.Йегер ўзининг фундаментал асарида буни қадимги юнонлар учун хос бўлган таълим ва маданиятга интилиш сифатида талқин этади[220]. "Қадимги давр луғати"да "*пайдейе*" "умуман таълим" яъни инсонинг барча қобилиятлари ва имкониятларини рўёбга чиқарилиши, инсон танаси ва маънавиятининг гармоник шаклланиши сифатида берилган[221]. Антик педагоги-канинг француз тадқиқотчиси А.И.Маррунинг айтишича "*пайдейе*" мадани-ятли, фаол бўлиш ёки таълимга тайёрланиш маъносида эмас, балки ушбу сўз хозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этадиган яъни инсонинг маънавий ривожланишида ўзининг барча имкониятларини тўлиқ амалга ошириш хола-тида сифатида қаралиши лозим[222]. Айрим манбаларга кўра "таълим" атамасини илмий муомилага 1780 йилда буюк швецария педагоги И.Г.Песталоцци (1746-1827) томонидан киритилган, у бунда "образ шакллантириш" маъносини назарда тутган. Россияда "таълим" (Образавание) атамасини биринчи олим Н.И.Новиков (1744-1818) ишлатган.

Таълимга нисбатан инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ва унга ўзининг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини англаб етишида муҳим восита сифатида қараш асрлар давомида, яъни антик даврдан то замонавий кўп қутбли дунёгача бўлган давр мобайнида ўзгариб борганлигин гувоҳи бўлдик. Бироқ таълим тушунчасининг маълум макон ва замонда талкин этилиши кўпинча маънавий-интеллектуал нуқтаи назардан кўриб чиқилган. XX аср ўрталарида таълим қатъий ва ёпиқ тизим сифатида муайян мамлакат давлат тузумининг

---

[218] education – таълим, маълумот, ўқитиш. Lingvo Universal (En-Ru) (к версии ABBYY Lingvo x5) Англо-русский словарь общей лексики. © ABBYY, 2011. 100 тыс. статей.

[219] Formation- таълим, таълим бериш, тарбиялаш, тайёрлаш. Universal (Fr-Ru) (к версии ABBYY Lingvo x5) Новый французско-русский словарь. © ООО «АБИ Пресс», 2010 и © ООО «АБИ Пресс», 2011

[220] Йегер, В. Пайдейя. Воспитание античного грека (эпоха великих воспитателей и воспитательных систем) : пер. с нем. / В. Йегер. – М. : Грек.-лат. кабинет Ю. А. Шичалина, 1992. – 334, [1] с.

[221] Словарь античности / отв. ред. И. В. Кузищин. – М. : Прогресс, 1992. – 704 с.

[222] Марру, А. И. История воспитания в античности (Греция) / А. И. Марру ; пер. с фр.: А. И. Любжина, М. А. Сокольской, А. В. Пахомовой. – М. : Грек.- лат. кабинет Ю. А. Шичалина, 1998.– 432 с.

муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган. XX аср охири ва XXI асрни бошла-рида эса инсоният турмуш шароитининг сифат жиҳатдан тараққиёт ва алоҳида шахс даражасида ўзгариши туфайли дунё мамлакатлари таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Таълимнинг жадал суръатларда ривожланиши уни инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бирига айлантирди. Бу эса ўз навбатида таълим тушунчаси билан боғлиқ тадқиқотлар кўламини кенгайишига сабаб бўлди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган кўпчилик олимлар илмий изланиш-ларида таълим тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб беришда алоҳида эътибор беришган[223]. Қолаверса халқаро норматив хужжатларда, қонунларда, турли соҳа, тармоқлар фаолиятига оид луғат ва энциклопедияларда ҳам ушбу тушунчани таърифлашга бўлган ёндошувлар кўришимиз мумкин.

Хориж адабиётларида соҳа мутахассислари ушбу тушунчани турлича шарх-лаганлар. Мисол учун, А.В.Деттерер берган таърифга кўра, таълим - бу инсоннинг маънавий қиёфаси бўлиб, унинг маънавий доирасининг ютуқларини ташкил этувчи ахлоқий ва маънавий кадрятлар таъсири остида вужудга келади, шунингдек инсон қиёфасини шаклланиш жараёнидир. Бунда билимнинг ҳажми эмас, балки билимнинг шахсий сифатлар билан боғланиши, ўз билимларини мустақил ишлата олиш қобилияти асосий ҳисобланади[224].

Ушбу таърифда муаллиф таълим атамасини моҳиятини очишда кўпроқ ахлоқий, маънавий кадрятлар билан тушунтиришга ҳаракат қилган. Бизнинг фикримизча таълимни мазмуни фақат инсоннинг маънавий қиёфасини шакл-лантиришдан иборат эмас албатта. Лекин муаллиф инсон қиёфасини шакллан-тиришда билим хажми эмас балки билимни шахсий сифатлар билан боғла-нишига алоҳида этибор бергани диққатга сазовордир. Аммо, таълим вужудга келиши ахлоқий ва маънавий қадрятар остида содир бўлади деб таълим сўзини маълум даражада чегаралаган. Шу билан бирга муаллиф таълимни жараён сифатида талқин этган.

Г.Ф.Кнеллернинг фикрича таълим- шахснинг ақлли характери ва жисмоний қобилиятларининг шаклланиш жараёни ёки махсулидир. Жумладан, одамда бир кишининг тажрибаси унинг ўлимидан сўнг йўқолмасдан, балки жамиятда ривожланган ақл ва мулоқот қилиш кўникмаси туфайли тўпланиб борар экан, тажрибанинг бундан тўпланиб бориши маданият каби ҳодисанинг шаклланишига имкон берада, маданият бу нафақат бир киши балки, жамиятнинг тажрибасидир. Таълим бу маданиятга жамланган ушбу билимларнинг янги авлодларга ўзатиш жараёнидир. Таълим жамият томонидан ўқув юртлари, мактаблар,

---

[223] В. Н. Пугач Е. Е. Семченко Н. К. Алимова. Основы экономики образования 2017г.с 17, Dewey, John (1944) [1916]. Democracy and Education. The Free Press. pp. 1–4.ISBN 978-0-684-83631-7, George F. Kneller. Introduction to the Philosophy of Education. New York: John Wiley and Sons, 1971. P. 20—21, Жуков В.И. Высшая школа России: исторические и современные сюжеты. М., 2000., Сыроваткина Т. Н. Основы экономики образования / Т. Н. Сыроваткина —«БИБКОМ», 2013. с 17, Деттерер, А. В. Введение в философию образования : учеб. пособие / А. В. Деттерер. – Томск : ТГПУ, 1998. – 270 с, Йегер, В. Пайдейя. Воспитание античного грека (эпоха великих воспитателей и воспитательных систем) : пер. с нем. / В. Йегер. – М. : Грек.-лат. кабинет Ю. А. Шичалина, 1992. – 334, [1] с., Pugach V.N, Abdullina S.V. Educational services: general concepts. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕ-НИЕ» №2 2013. http://publ.nauko-vedenie.ru, Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б.Современный экономический словарь. 2007, Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 261 б, М.М.Муҳаммедов. Таълим тараққиёт таянчи. "Зарафшон" 20 (22.980)-сон 2018 й, Bakieva I.A. «Inson resurslari iqtisodiyoti» fani (O'quv qo'llanma) –TDIU, 2011. -261 bet., А.Ф.Хамидова. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлан-тиришнинг назарий асослари. Монография. Самарканд: "Зарафшон", 2017 й. 152 б, Очилов А.О. Ўзбекистонда олий таълимнинг ўрни ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришнинг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт ва таълим / Журнал/ 2017 №2.

[224] Деттерер, А. В. Введение в философию образования : учеб. пособие / А. В. Деттерер. – Томск : ТГПУ, 1998. – 270 с.

коллежлар, университетлар ва бошқа институтлар орқали мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади, бироқ бу айниқса интернетнинг кенг имкониятлари билан боғлиқ ҳолда ўз-ўзига таълим беришни ҳам истисно этмайди[225].

Мазкур таъриф билан Г.Ф.Кнеллер таълим тушунчасини ифодалашга анча кенгроқ ёндошганини кўришимиз мумкин. Бунда таълим билан инсоннинг нафақат ақлий балки жисмоний қобилиятлари ҳам шакллантирилади, қолаверса таълим шунчаки жараён эмас, балки жараённинг натижаси деган тушунчани илгари сўрган. Албатта бу қараш ўша вақт нуқтаи назаридан тўғри бўлган. Кел-тирилган таърифни эътиборли жиҳати таълим тушунчасини муаллиф маданият[226] ибораси билан боглиқлигини жура чиройли тарзда ифодалаган. Бундан ташқари А.В.Деттерер таълимни билим олиш билан боғлиқ жараён деса, Г.Ф.Кнеллер маданиятга жамланган билимларни келгуси авлодга узатиш жараёни сифатида талқин этганлиги ҳам ушбу таърифни мукаммал эмаслигига амин бўламиз.

Шунга ўхшаш таърифни 1969 – 1978 нашр этилган «Совет энциклопедияси»да ҳам учратишимиш мумкин. Унда, айтилишича таълим- тизимлаш-тирилган билимлар, лаёқатлар ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёни ва натижасидир. Таълим жараёнида инсоният яратган барча маънавий бойликлар билимларини авлодлардан-авлодларга ўзатиш, табият ва жамият тўғрисидаги, техника ва санъатдаги фанларда акс эттирилган ижтимоий-тарихий билимлар натижаларини ўзлаштириш, шунингдек меҳнат кўникмалари ва лаёқатларини эгаллаш ни беради. Таълим- ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг зарурий шарти, инсоннинг маданиятга киришуви ва уни эгаллашнинг асосий воситаси, мадани-ят ривожланишинг пойдеворидир[227].

Энциклопедияга келтирилган ушбу таърифда таълимнинг моҳияти тўлиқ очиб берилган бўлмасада, бизнинг назаримизда, унинг энг муҳим хусусияти, яъни таълим инсонни ижтимоий ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашда энг зарурий восита эканлиги аниқ қилиб ифодаланган. Аммо маданият ривожланишининг пойдевори деб таълим тушун-часини чегаралаган. Назаримизда таълим барча соҳа ва тармоқларни ривожланишининг пойдевори десак муболаға бўлмайди. Чунки, соҳа ва тармоқлар учун кадрлар тайёрлаб берадиган соҳа айнан таълимдир. Шу нуқтаи назардан таълимни таърифлашда алоҳи бир соҳа ёки тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошмаслик лозим.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, айрим муаллифлар таълим тушунчасига жуда сал ёндошиб, уни жуда қисқа доирада чегаралаб қуйганлар. Масалан, Ж.Девей таъкидлашича, таълим- бу билим олиш, кўникма, қадрятлар, эътиқод ва одатларга эга бўлишни осонлаштириш жараёнидир. Таълим тез-тез ўқитувчилар раҳбарлиги остида амалга оширилади, лекин ўқувчилар ҳам ўзларини тарбиялашлари мумкин[228]. Ушбу таърифда Ж.Девей таълимни ёки таълим бериш жараёнини ўқитувчилар томонидан амалга оширилишини тўғри талқин этган бўлсада, бироқ бизни назаримизда, таълим билим олиш, кўникмага эга бўлишни осонлаштириш жараёни эмас. Муаллиф ушбу тушунчани ноўрин қуллаган. Таълим – бу жараён, лекин осон жараён эмас. Назаримизда таълим ўзига хос тизим ва мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, бир шахсни билим кўникма, эътикод ва кадрятга эга қилиш учун жуда катта инфраструктура (оила, маҳалла, боғча, мақтаб, коллеж,

---

[225] George F. Kneller. Introduction to the Philosophy of Education. New York: John Wiley and Sons, 1971. P. 20—21.

[226] Маданият — жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. « Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр (антик М.), конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек М.и), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (мас, меҳнат М.и, бадиий М., турмуш М.и)ни изохлаш учун қўлланилади. Тор маънода «Маданият» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ТОШКЕНТ. www.ziyouz.com кутубхонаси

[227] «Большая советская энциклопедия», 1969 – 1978 годах в 30 томах, 3-е изд.

[228] Dewey, John (1944) [1916]. *Democracy and Education*. The Free Press. pp. 1–4.ISBN 978-0-684-83631-7

институт ва бошқалар) ўзлуксиз ишлаши лозим. Қолаверса бу жараён 15-20 йил мобайнида давом этади.

Россиялик олим В.И.Жуковнинг берган таърифи бошқа таърифлардан мукам-малиги билан анча фарқ қилади. У "таълим"ни "фундаментал ва амалий фанларнинг ривожланиши асосида ва шунингдек миллатнинг ижтимоий тажрибаси нигизида олинувчи билимларни жамғариш, сақлаш ва тарқатиш жараёни" сифатида белгилайли. Таълим бир вақтнинг ўзида ижтимоий тараққиётнинг интеллектуал асоси, миллий хавфсизликнинг ва барқарор ривожланишнинг инструменти, миллат маданиятининг таркибий қисми сифатида чиқади[229]. Бунда муаллиф таълим тушунчаси мазмун ва моҳиятини у бажаради-ган (билимларни жамлаш, сақлаш ва тарқатиш) муҳим функциялар билан изоҳлагани эътиборга молик. Ундан ташқари хозирги кунда барча мамлакатлар учун ўта муҳим хисобланган ахборот хавфсизлик масалалари ҳам ушбу таърифда ўз аксини топган. Хақиқатдан ҳам хозирги глабаллашув шароитида ахборот оқимини мамлакатга кириб келиши унинг ёш авлод онгига салбий ёки ижобий таъсир этишида таълим ўрни беқиёсдир. Шу нуқтаи назардан В.И.Жуков таълим миллий хавфсизликнинг муҳим инструменти деган ғояни ўз ўрнида ишлатган.

Шу ўринда мамлакатимиздаги илмий адабиётларда ушбу тушунча борасидаги нуқтаи-назарларини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Мисол учун, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида қўйидагича таъриф берилган: Таълим — билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади[230].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида[231] эса, таълим тушунчаси уч хил яъни, биринчиси, илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгаллаши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуи, иккинчиси, тарбия, одоб-ахлоқ, ва ниҳоят учинчи, кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатиш, мазмунлари билан ифодаланган.

Таниқли иқтисодчи олим, Академик Қ.Х.Абдураҳмонов таъкидлашича, таълим шахс томонидан билимларни эгаллашига хизмат қилади, унга ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришга ёрдам беради, иқтисодий фаол ҳаётга киришида дастак бўлади[232].

Бакиева И.А. ўзининг "Инсон ресурслари" номли ўқув қўлланмасида қўйидагича ёндошган. Яъни, таълим – давлатнинг муҳим ресурси (иқтисодий, интеллектуал, миллий ҳавфсизлик ресурси), бошқа томондан – таълим меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг сифат томони бўлиб, инсон ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши омили ҳисобланади. Таълим ижтимоий соҳанинг бир тизими бўлиб, инсон томонидан тизимлаштирилган билимлар, кўникмалар, қобилиятларни олиш имконини беради[233].

А.Ф.Хамидова тушунтиришича, таълим – бу "жамият иқтисодий салоҳияти ва шахснинг инсоний салоҳияти шаклланиши ва реализацияси билан боғлиқ жамият ва шахснинг муайян турмуш даражасига эришишга йўналтирилган инсон фаолиятининг кўринишидир"[234].

Таълим соҳаси ва унинг ривожлантириш масалалари нафақат алоҳида бир мамлакат балки ҳалқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 20-сессиясида қабўл қилинган таърифи кенг тарқалган. Унга асосан, "таълим - шахснинг қобилиятлари ва хулқ атворини такомиллаштириш жараёни ва

---

[229] Жуков В.И. Высшая школа России: исторические и современные сюжеты. М., 2000.

[230] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ТОШКЕНТ. www.ziyouz.com кутубхонаси

[231] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва "Рус тили" нашрёти 1981. www.ziyouz.com кутубхонаси

[232] Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 261 б.

[233] Bakieva I.A. «Inson resurslari iqtisodiyoti» fani (O'quv qo'llanma) –TDIU, 2011. -261 bet.

[234] А.Ф.Хамидова. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. Самарқанд: "Зарафшон", 2017 й. 152 б

натижаси, яъни бунда у ижтимоий етуклик ва индивидуал ўсишга эришади[235]. Ушбу таърифга яқин таъриф МДХ мамлакатлари Парламентлари Ассамблеясида қабўл килинган "Таълим тўғрисида"ги Модел қонунида келтирилиб, унда таълим- бу "баркарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш шахс ва жамиятнинг ахлоқий интеллектуал, эстетик ва жисмоний холатини доимий такомил-лаштириш мақсадларида, билимларни сақлаш ва янги авлодларга узатишга йўналти-рилган, шахс, жамият ва давлат манфаатларида тарбиялаш ва ўқитиш жараёнидир"[236] -деб, ифодаланган.

Таълим соҳасида фаолият олиб бораётган олимлари ва ташкилотлари томонидан таълим тушунчасини таърифини кенгайтиришга бўлган ўринишлар бугунги кунда қадар давом этаётган бўлсада, таълимга оид турли илмий тадқиқотларда ушбу тушунчанинг ўзига хос алоҳида қирраларини очиб берувчи ва унинг мазмунини бойитувчи мезонлар ишлаб чиқилган.

Таълимнинг инсоннинг маънавий ва ақлий эҳтиёжларини қондириш, қобилиятини шакллантиришга таъсирини аниқлашда унинг муҳим жиҳатларини бир-бири билан боглик ҳолда давлат, жамият ва шахс нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мезони қабул қилинган[237].

Шахс даражасида — бу шахснинг ўз истеъдодини тўлиқ намоён этиш, табиат инъом этган ақлий қобилиятини ривожлантириш имкониятидир. Айни пайтда бу инсонга ишда ўзини намоён этиш имконини берадиган умумий ва касбий билимни эгаллашдир. Ўқимишли кишининг маънавий олами нисбатан бой, ҳаёти фақат моддий фаровонлик билан чекланиб қолмайди. Таълим инсонга ўзининг маънавий эҳтиёжларини амалга ошириш, ҳаётини тўлақонли ва мукаммал қилиш имконини беради.

Давлат даражасида — давлат мамлакат ақлий салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши даркор. «Иқтисод фанлари»ни кенг жорий этишда зарур билимга эга бўлиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини тўплашнинг муҳим таркибий қисмига айланади. Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, халқнинг озод, демократик, ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳукук ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаати йўлида фойда-ланиш қобилиятини узвий ҳамда осон шакллантиради.

Жамият даражасида таълим инсон жамиятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида глобал маънавий қадриятлар, ўзига хос ижтимоий мента-литет ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Фақат ўқи-мишли ва маънан бой одамларгина муаммоларни урушлар ёрдамида ҳал қилишни мутлақо рад этишга қодир жамиятни шакллантириши мумкин. Ҳақиқатдан маълумотли ва тарбияланган кишилар қандай шароитда бўлмасин, зўравонлик, террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши ва адоватни маъқул-ламайди. Фақат маънан бой одамларгина глобал экологик муаммоларни шахсий муаммолари, миллий давлатлар ва ҳукуматлар муаммоларидан устун қўйиши мумкин.

Бугунги кунда таълим соҳаси билан боглиқ ҳуқуқий-норматив хужжатларда ҳам ушбу тушунчани маъноси акс эттирилган. Масалан Россия Федерациясининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида "таълим- тарбиялаш ва ўқитишнинг бир бутун мақсадга йўналтирилган жараёни, шунингдек эгалла-нувчи билимлар, маҳоратлар, кўникмалар, кадрятли кўрсатмалар, фаолият тажрибаси ва лаёқатлар жамланмасидир[238] деб, ёзилган бўлса, мамлакатимиз "Таълим тўғриси"даги Қонуни (янги лойиҳасида)да эса "таълим–таълим олувчиларга назарий билим, амалий кўникма ва малакалар бериш, уларда

---

[235] Pugach V.N, Abdullina S.V. Educational services: general concepts. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕ-НИЕ» №2 2013. http://publ.naukovedenie.ru

[236] Данное определение приводится в Модельном Законе об образовании, принятом Межпарла-ментской Ассамблеей государств – участников СНГ (постановление № 13-8 от 3 апреля 1999 г.).

[237] М китоб 11 бет

[238] Россия Федерациясининг "Таълим тўғрисида"ги Федерал Қонуни

умумтаълим ва касбий компетенцияларни шакллантириш, билиш қобилиятини ва дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган тизимли жараён"[239] сифатида ифодаланган.

Қонун хужжатларида келтирилган икки таърифда ҳам камчиликлар мавжуд бўлиб, назаримизда ушбу тушунчани фақат билим олиш, маҳорат ва кўникмага эга қилиш ёки дунёқарашни шаклланитириш билан боглиқ жараён эмас балки мураккаб инфра-структурани ўзида мужассам этган ҳалқ хужалигининг муҳим тармоги ёки соҳаси деб эътироф этилиши керак эди.

Ваниҳоят таълим бу иқтисодий фаолият ёки иқтисодиётнинг тармоғи деб талқин қилган олимлар ҳам йўқ эмас албатта. В.Н.Пугач, Е.Е. Семченко, Н.К.Алимовалар тахририда чоп этилган "Таълим иқтисодиёти асослари" номли асарида "таълим" тушунчасини принципиял жиҳатдан фарқланувчи иккита талқини эга деб, эътироф этишган. Яъни, таълим –бу жараён ва иқтисодиётнинг тармоғи[240].

Бундан фарқли уларок Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Е.Б.Стародубцевалар тахрири остида нашр этилган "Замонавий иқтисодий луғат"да таълим – мамлакат хўжалигининг, иқтисодиётининг тармоғи бўлиб, ўқитиш тарбиялаш билимларни ўзатиш ўқув адабиётларини чиқариш, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш билан банд бўлган ташкилотлар, муассасалар, корхоналарни бирлаштиради[241].

Таълим соҳасида самарали тадқиқот олиб борган яна бир Россиялик тадқиқотчи Т.Н.Сыроваткинанинг "таълим" тушунчасига берган таърифи бошқа таърифи кенгроқ мазмунга эга. "Таълим"- бу истиқболли қўйилмалар объектидир, унинг ҳолати ва самарадорлиги давлатнинг яқин вақтлардаги қиёфасини, иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини, мудофа қобилиятини, фуқароларнинг турмуш даражасини, ҳалқаро мавқеини белгилайди[242]. Бизнинг фикримизча, таълим- ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг асоси бўлиб, мамлакатда миллий инсон капитали шакллантириш ва ривожлантиришнинг ноёб механизмидир.

Юқоридаги билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шундай хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, таълимнинг мақсади объектив ҳаёт талабларига мувофиқ ҳолда ўзгариб боргани каби, таълимнинг характери, йўналиши ҳам унинг мақсадига мувофиқ ўзгариб боради. Таълим диалектик тарзда тараққий этиб борадиган ички зиддиятлар жараёнидир.

О НАЦИОНАЛЬНЫХ МОДЕЛЕЙ РЕГУЛИРОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА

Арзыбаев А.А. – д.э.н., профессор,
Международного университета им.К.Ш.Токтомаматова
(Кыргызская Республика)

Annotation: The article discusses a set of activities conducted by the Government of the Kyrgyz Republic regarding the introduction of international standards. It is about the role and importance of standards in the development of the accounting system. Kyrgyzstan is an active participant in the process of global recognition of IFRS, the ultimate goal of which for Kyrgyzstan is to create a transparent accounting system and reporting adequate to the new conditions, without which the sustainable economic development of the country is impossible. The state needs to strengthen its unifying function in creating a national accounting system, including public professional organizations in this process, along with government agencies, because accounting is primarily a tool for financial regulation and a unified financial policy, and IFRS This is primarily a new stage in the development of accounting.

---

[239] Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғриси"даги Қонуни янги лойихасида келтирилган 2018
[240] В. Н. Пугач Е. Е. Семченко Н. К. Алимова. Основы экономики образования 2017г.с 17
[241] Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б.Современный экономический словарь. 2007
[242] Сыроваткина Т. Н. Основы экономики образования / Т. Н. Сыроваткина —«БИБКОМ», 2013. с 17